

Меҳмонимиз мамнун бўлсин!



11:00 / 23.05.2020 1211

Хонадонимизга бирор меҳмон келадиган ва бу меҳмон биз учун азиз бўлса, унинг келишига алоҳида тайёргарлик кўрамиз, дастурхон тузаймиз, ўзгача ҳозирланиб, унинг кўнглини олишга уринамиз...

Ойларнинг султони бўлмиш – **Рамазон** ҳам шу кунларда бизнинг қадрдон меҳмонимиз бўлиб турибди. У биздан мамнун ҳолда кетсагина, биз саодат сари қадам қўйган бўламиз...

Агар қалбимиз покланмаса, Рамазон биздан рози бўлмайди!

Азиз биродарим, ушбу фазли улуғ ойнинг ҳурматидан кўнглимизда бирорта мусулмонга нисбатан ғиллу ғашлик қолмасин, ким биландир аразлашган, билиб-билмай озор етказган бўлсак, дарҳол узр сўрайлик, орамизни ислоҳ қилайлик. Зеро, унутманг, қалб соғлом ва яхши бўлсагина бошқа аъзолар ҳам соғлом ва яхши бўлади!

Фаррух Абдулкарим